



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқот ва учрашувлар қардош халқларимизнинг қўл асрилик дўстлигини, ўзаро ҳурмат, қўллаб-қувватлаш ва манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга, икки томонлама фойдали ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентини оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Осиё-Тинч океани телерадиозиттирувчилар уюشمаси мукофоти соҳиби бўлгани билан самимий табриклади.

Жорий йил август ойида Авазда Туркменистон Президентини раислигида муваффақиятли ўтказилган Халқаро Оролнинг қўшничилик жамғармаси саммитининг самарали натижалари юқори баҳоланди. Экология масалалари, жумладан, Орол ҳалокати оқибатларини бартараф этиш Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Туркменистон Президенти давлатимиз раҳбарига самимий табрик учун миннатдорлик билдириб, икки томонлама муносабатлар изчил мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Савдо, ишлаб чиқариш кооперацияси, энергетика, самарали транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Худудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашувларни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Хусусан, жорий йил 14 октябрь куни Термиз шаҳрида Туркменистон иқтисодий жамоалари иштирокида концерт муваффақиятли ўтгани таъкидланди.

Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари қардош мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилишлари қатъий эканини яна бир бор таъкидладилар.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ҲАМКОРЛИГИДА

9 ОЙДА 30 ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Тошкент вилоятида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигида 120 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, саноат, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишлардаги мазкур корхоналарнинг 30 таси жорий йилда иш бошлади.

Мамлакатимизда тадбиркорлиқни ривожлантириш, қўлай ва соғлом инвестиция муҳити яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда. Жумладан, хорижий тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташиқ этилаётган қўшма корхоналарда маҳаллий хомашёдан сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётди. Бу ички бозор талабини тўла қондириш билан бирга, мамлакатимиз ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг ортишига хизмат қилмоқда.

Ангрен шаҳрида ҳам Россиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида 10 га яқин корхона саноат ва савдо йўналишида фаолият юритади. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Sungreen tex» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона ана шулардан бири.

Корхона тикувчилари томонидан ойга ўртача 120 мингдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Маҳаллий

хомашёдан пишиқ ва сифатли тикилган кийимларнинг бир қисми корхона дўконидан сотилаётган бўлса, асосий қисми МДХ давлатларига экспорт қилинаётди.

Болалар учун 30 дан ортиқ турда кийим тайёрланаётган мазкур жамият хорижий етакчи фирмаларнинг замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган. Айни пайтда корхонада 280 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти маҳаллий ёшлар экани эътиборлидир.

— Корхона томонидан транспорт, иссиқ овқат, хуллас, биз учун зарур барча шароит яратилган, — дейди тикувчи Ш.Жўрақулова.

— Ҳамкасбларимизнинг аксарияти ёшлар — тенгқурларим. Улар билан дўстлашиб, бир оила бўлиб кетганмиз. Мана шундай замонавий, экспортёр корхонада ишлаётганимдан фойдаланаман.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Ў.А. мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, аҳолининг иқтисодий заиф қатламлари давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кучайтириш, шунингдек, меҳнатига кам ҳақ тўланадиган ходимлар иш ҳақи миқдорини жадал равишда оширишни таъминлаш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 1 ноябидан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилсин.

2. 2018 йилнинг 1 ноябидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан энг кам: иш ҳақи — ойига 202 730 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 396 500 сўм;

бололиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 396 500 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 243 300 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилансинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2018 йилнинг 1 ноябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилад.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг куйи разрядлари тариф коэффициентларини ўртача 10 фоизга, шу жумладан, 1-разряд бўйича 15 фоизга, 2-разряд бўйича 10 фоизга ва 3-разряд бўйича 5 фоизга ошириш орқали меҳнатига кам ҳақ тўланадиган ходимларнинг иш ҳақи миқдорининг жадал равишда оширилишини кўзда тутган ҳолда 2019 йил 1 январдан Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қайта қўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ҳисобидан сақланадиган ташкилотларда банд бўлган универсал касблар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга доир разрядларни танқидий қўриб чиқсин ва 2019 йил 1 январдан уларнинг янгиланганларини жорий этсин;

халқаро молиявий институтлар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг унинг натижалари, бажарилаётган меҳнат функцияларининг мураккаблиги ва масъулияти билан янада узвий боғлиқлигини таъминлашни назарда тутадиган Бюджет ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш концепциясининг ишлаб чиқилишини ва 2019 йил 1 сентябрга қадар муддатда киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

6. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотларга иш ҳақининг қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини энг кам иш ҳақига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига мазкур Фармоннинг қабул қилинишини сўнг қўшимча харажатларни қоплаш учун тегишли бюджетлар параметрларига ўзгартириш киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-5469-сон Фармони унинг 6-банди истисно қилинган ҳолда 2018 йилнинг 1 ноябидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 октябрь

МАТОНАТЛИ ЁШЛАРИМИЗ ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАН ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИШДИ



III ёзги ПараоСИЁ ўйинларида қитъамизнинг 43 мамлакатидан 3 мингга яқин паралимпиячи 18 спорт тури бўйича голиблик учун беллашди. Ўзбекистон терма жамоаси тарихда илк маротаба 54 нафар спортчи билан пауэрлифтинг, дзюдо, ўқ отиш, сузиш ва енгил атлетика бўйича баҳсларда иштирок этди.

ПАРАЛИМПИАЧИЛАРИМИЗНИНГ ЖАКАРТАДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Обуна — 2019

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасига ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА
ИНДЕКСИ-220

«ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ» МАРКАЗИДА

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ:

КОММУНАЛ СОҲАДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛЯПТИ?..

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамкорлигида коммунал соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

— Жорий йилга мўлжалланган Давлат дастурида «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси белгиланганидан хабарингиз бор, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлими мудири Боймурод Юсупов**. — Бу борада вазирлик вакиллари ва йигирма нафардан ортиқ мутахассис иш олиб бормоқда. Партиямиз ҳам электроратимиз манфаатларини ҳимоя қиладиган ташаббусларни илгари сурмоқда. Қонун лойиҳаси белгиланган муддатда тайёрланиб, жамоатчилик муҳокамасига қўйилади, деган умиддамиз.

Яна бир масала. Ҳозир куз-қиш мавсумига тайёрларлик жараёни қандай кетаётгани кўпчиликини қизиқтириши тайин. Очигини айтиш керакки, ҳамон тизимда камчиликлар кўзга ташланмоқда. Истеъмолчилар томонидан иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун тўловларни ўз вақтида тўламаслик ҳолатлари аниқланмоқда. Аҳолидан бир қанча шахарларда иссиқлик манбаларининг яхши ишламаслиги, қувурлар таъмирталаб бўлиб қолгани борасида мурожаатлар бўлмоқда. Муаммолар ечими кўп ҳолларда меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритиш масаласи билан боғлиқ бўляпти. Шунинг учун иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базаси асосан ҳукуматимизнинг қарор ва қонуности ҳужжатларидан иборат бўлиб, мамлакатимизда иссиқлик таъминотида доир асосий масалаларни

тартибга солувчи алоҳида қонун мавжуд эмасди. Бу «Иссиқлик таъминоти тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг концепциясини тайёрлашни талаб этади. Биз Концепция асосида қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга киришганмиз. Унда тизимнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий асосларини белгилаш, соҳада давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини мустаҳкамлаш, етказувчи ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Коммунал соҳага оид қонун лойиҳаси албатта жамоатчилик муҳокамасига қўйилади ва аҳоли ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш имкониятига эга бўлади, — деди **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги қандаги коммунал ўқув маркази директор ўринбосари Асқар Азимов**. — Асосли тақдирлар эса ҳисобга олинади. Энди ишлаб чиқилган қонун лойиҳасига тўхталсам. «Кўп квартиралар турар жой» тушунчаси меъёрий ҳужжатларда, қарор ҳамда фармонларда турли шаклда қўлланилган ва бирор ҳужжатда унга изоҳ берилмаган. Яъни, кўп қаватли уй-жой, кўп квартиралар турар жой, кўп хонадонли уйлар ва ҳоказо. Бу бироз чалқашликларга сабаб бўлаётгани ҳам рост. Илк бор «Хусусий уй-жой ширкатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида «кўп квартиралар» иборасига изоҳ берилмоқда.

Юртимизда турар жойларни бошқаришнинг фақат хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати кўриниши оммалашган. Уй-жой кодексида эса бошқарувнинг бир неча усуллари кўрсатилган бўлиб, бу фуқаролар томонидан эркин танланиши кўрсатиб ўтилган. Аммо

жараён қандай амалга оширилиши борасида аниқлик киритилмаган. Янги қонун лойиҳасида мана шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Аҳоли билан учрашувларда уй-жой бошқарувида давлат назорати кераклиги ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилган. Вазирлик қандаги тегишли инспекция мазкур вазифани бажариши кўзда тутилган. Лекин бу ҳақда қонунчиликда меъёр йўқ. Мазкур масала ҳам қонун лойиҳасида акс этади.

— Ширкатимиз таркибиде 9 та тўққиз

Ширкатларни ўйлантираётган, масала хусусида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Пойтахт аҳолисининг аксарият қисми яшаётган кўп қаватли уйларнинг қурилганига ўттиз-қирқ йилдан ошди. Бу орада сув қувурларининг эскириши, таъмирталаб бўлиб қолиши турган гап. Эндиги масала ана шу қувурлар таъмири кимнинг зиммасида эканлигида. Мутасадди ташкилотлар уйлардан бир метр наридаги қувурлар бизнинг балансимида қирмайди, дейишади. Ваҳоланки, фуқаро етказиб берувчи билан шартнома тузади.

Юртимизда турар жойларни бошқаришнинг фақат хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарув шакли оммалашган. Уй-жой кодексида эса бошқарувнинг бир неча усуллари кўрсатилган бўлиб, бу фуқаролар томонидан эркин танланиши белгилаб қўйилган. Аммо жараён қандай амалга оширилиши борасида аниқлик киритилмаган.

қаватли, 8 та беш қаватли уй мавжуд, — деди **Сергели туманидаги «Шокирарик» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Марям Машарипова**. — Уларда 540 дан ортиқ хонадонда аҳоли истиқомат қилади. Ширкат раислари белгиланган муддатда бажарилган ишлар, сарфланган маблағ хусусида аҳолига маълумот бериб туриши лозим. Аммо бундай тадбирларда фуқароларнинг фаоллиги сезилмаяпти. Аксарият ҳолларда уларнинг 50 фоизи ҳам тўпланмагани боис бирор қарорга қилишнинг имкони бўлмаёпти. Янги қонун лойиҳасида ҳар бир ширкатнинг устав фонди бўлиши лозимлиги ва унда исталган бошқарув усуллари кўрсатиши мумкинлигини эшитиб, жуда мамнун бўлдим. Бу фуқароларга ва ширкат раисларига ҳам енгиллик беради.

Демак, истеъмолчида хизмат бевосита етказиб берилиши керак эмасми?.. Бунинг яхшии аниқлаш фуқароларимизнинг аксарияти биз нега ширкатга аъзолик бадали тўлашимиз керак, дея иддао қилади. Мана шу масалалар ечими ҳам қонун лойиҳасида акс этса, айни муддао бўларди.

Давра суҳбатиде Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Саттор Раҳматов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Нигора Эшметова сўзга чиқиб, соҳада амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Махлиё АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



«ҲОРМАНГ, ПАХТАКОРЛАР!»

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва ҳудудий ташкилотлари пахта мавсумида ҳашарчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида ана шу шиор остида ранг-баранг тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги Дўстлик фермерлар уюшмасида бўлиб ўтди. Партия Марказий Кенгаши, вилоят, туман Кенгашлари депутатлари ҳамда партия фаоллари ҳашарга чиқишди.

— Жорий йил Чиноз туманида 6401 гектар майдонга пахта экилган, — деди **Ўзбекистон ХДП Чиноз туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Фарҳод Иброҳимов**. — Туман фермерлари 18600 тонналик хирмон кўтариш ниятида. Далалардаги мўл ҳосилни йиғиштиришда партиямиз фаоллари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.


— Теримчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш, терим пулларини ўз вақтида беришга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди **«Йўл тушган» маҳалласидаги теримчилар бошлиғи Абдусоат Усмонов**. — Бундан ташқари, турли ҳомийлар томонидан теримчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Бу эса пахтакорларнинг кайфиятига, терим сифатига ижобий таъсир кўрсатаяпти.

— Оиламиз билан теримда иштирок этяпмиз, — дейди **ҳашарчи-теримчи Тожихон Қўчқорова**. — Кўнига ўртача уч юз килограммдан пахта теряпмиз, бу салкам уч юз минг сўм, дегани. Энди бунинг ўртача йигирма кунга ҳисобласан, опти миллион сўм бўлади. Мавсум бошидан буюн анча-мунча пул тўпладик. Уйга рўзгор учун икки дона қора мол сотиб олдик. Сигирларнинг ҳар бири тўрт литрдан сут берапти.

Партия фаоллари кун давомида тумандаги ҳашарчилар билан ёнма-ён теримда иштирок этиб, улар билан самимий суҳбатда бўлди.

Мавсум бошидан фаоллик ҳамда ўртак кўрсатаётган бир гуруҳ ҳашарчиларга Ўзбекистон ХДПнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.



Дала шийпонида маданий тадбир

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши тарғиботчилар гуруҳи Бекобод туманидаги «Жасурбек Ижод Файз» фермер хўжалигида бўлиб, «Хорманг, пахтакорлар» номли йўқлов тадбирини ўтказди.

Тушлик пайтида ташкил этилган тадбирда Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг таниқли актрисаси Муқаддас Мамадалиева иштирок этиб, жонли ижродаги ёқимли кўшиқлари билан теримчиларга хушайфият улашди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Нилуфар Юлдашева ва Бекобод туман кенгаши раиси Қобилжон Юсупов фаол теримчиларга совғалар топширди.

Умидхон ҲОШИМОВ

ЎзХДП ТАШАББУСИ БИЛАН

МУДОФАА ДОКТРИНАСИ


мазмун-моҳияти тушунтирилмоқда

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда Мудофаа доктринасининг мазмун-моҳиятини тушунтириш масалалари ҳақида сўз борди. Унда Мудофаа вазирлиги ходимлари, «Ватан» ва «Нуроний» жамағармалари масъуллари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши фаоллари иштирок этди.

Таъкидлангани, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Олий Мажлис палаталари томонидан янгиланган ва 2018 йил 9 январдан қўлга киритилган Мудофаа доктринасининг қабул қилиниши улкан сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Унда белгиланган йўналишларнинг кенг қамровли экани, ҳарбий саноатни ривожлантириш, янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ долзарб масалалар такомиллаштирилгани қайд этилди.

— Мудофаа доктриналари давлатларнинг ҳарбий хавфсизлик соҳасидаги сиёсатини белгилаб беради, — деди **«Ватан» хайрия жамоат фонди раиси ўринбосари Бўришо Шодиева**. — Шу билан бирга, Қуролли Кучларнинг қурилиши, тайёргарлиги ва зарур ҳолларда қўллашга доир йўналишларни белгилловчи расмий қарашлар, принципалар ва ёндашувлар тизимлашган, яхлит жамланма хусусиятига эга муҳим ҳужжат ҳисобланади.

— Мамлакатимизнинг давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган ушбу янгиланган ҳужжат шакли ҳамда



Янгиланган Мудофаа доктринаси эса жаҳон ва минтақадаги вазият, юзага келаётган хатар ва таҳдидларга, мамлакат имкониятларига мос ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда амалда иккита доктрина ўрнини эгаллайди.

мазмунини жиҳатидан ҳам бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Нўмон Акбаров**. — Мудофаа соҳасидаги давлат сиёсати асослари, Қуролли Кучларнинг қурилиши, тайёргарлиги ва бошқа йўналишлар иккита ҳужжат билан тартибга солиб келинган. Мазму-

нан бир-бирини тўлдирган ҳужжатларнинг бири очик тусда бўлса, иккинчиси махфий тусдаги характерга эга эди. Янгиланган Мудофаа доктринаси эса жаҳон ва минтақадаги вазият, юзага келаётган хатар ва таҳдидларга, мамлакат имкониятларига мос ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда амалда иккита доктрина ўрнини эгаллайди. Зеро, кўпчилик

Мудофаа тизимини ҳарбий-иқтисодий таъминлаш, ҳарбий саноатни ривожлантиришнинг истиқбол йўналишлари белгилангани мазкур ҳужжатнинг яна бир муҳим қирраси, деб қараш лозим. Президентнинг Мудофаа саноати давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори билан мамлакатимизда мудофаа мақсадидаги буюртмалар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ягона сиёсатни мувофиқлаштириб борувчи махсус орган тўзилиши муҳим воқеа бўлди. Давлат қўмитаси Қуролли Кучлари тизимига қурол-яроғ, ҳарбий техника, моддий буюмларни етказиб бериш ва таъминлаш билан шугулланади.


Бир қатор давлатлар, ҳарбий техника ишлаб чиқариш соҳасидаги етакчи компаниялар билан ҳамкорлик кенгайтирилади. Хулоса қилиб айтганда, мазкур ҳужжат ҳар жиҳатдан замон талабларига мос ва мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

— Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилганман, — деди **Мудофаа вазирлигида қарашли ҳарбий қисм командири ўринбосари, подполковник Акмалхон Шерғозиев**. — Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилалари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017 йилда ҳарбий хизматчилар учун 56 та кўп қаватли уй барпо этилгани, бу ишлар келгусида янада катта ҳажмда давом эттирилиши диққатга сазовордир. Мудофаа доктринасида шу каби бир қатор муҳим масалалар ҳам ҳар томонлама ўз аксини топган. Албатта, ҳарбий хизматчилар ва улар оиласининг ижтимоий ҳимояси Қуролли Кучлар тизимида маънавий барқарорлик, жанговар-руҳий тайёргарлик, салоҳият юксак даражада бўлишининг гаровидир.

Анжуманда, шунингдек, «Нуроний» жамағармаси республика бошқаруви фахрий ижодкорлар гуруҳи аъзоси Гулчехра Каримова, техника университетининг кафедра мудири Раҳбархон Холиқова ва бошқалар мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир сўнгига талабалар ҳарбий соҳадаги ишлар ҳақидаги саволларига жавоб олишди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Тарихий хүжжэатли эссе

«Менинг Васиятномам. Москва. 1975 йилнинг 7-декабри. Мен Николай Вирта, ўзимнинг



ҳамкор бўлган. Теорини марказ қилиб оlingа билан биргаликда «Ҳазрати инсон» романини рус тилига, Раҳмат Файзий эса унинг «Соль земли» («Ер мағзи») романини ўзбек тилига таржим қилган. Устозимнинг ҳамкасаба тенгдош дўстлари эса «Тантилик яхши-ю, лекин, жиллаку»

(Эссе қисқартирилган ҳолда чоп этилмоқда.)

SamD'ITI талабалари ва ўқитувчилари учун «Les Plaisances» коллежи француз тили ва адабиёти бўйича доценти Шантал Базк (Chantal Baecque) хоним шифтхорода семинар-тренинглар ўтказилди. Франсуа Рабле институтини ўқитувчиси Ж.Леокот кафедраси жамоаси билан ҳамкорликда ўзбекистонлик француз тили педагогикаси университетини Халқаро аллокарлар бўлими бошлиғи Паскал Боссонет (Pascal Boissonnet), мутахассислар Изабел Лерой (Isabelle Leroy) ва Мауд Керфонне (Maude Kerfene) ҳамда Самарқанд давлат чет тилилар институтини маъмурийи ўртасида ўзбекистон аллокарлари ривожлантириш, Эрасмус

учун «Француз тилини хорижий тил сифатида ўқитишнинг интерактив ва замонавий методлари» мавзuida, тил ва адабиёт таълими му- тахассиси Анна-Мария Цервера таржима наза- рияси ва амалиёти бўйича семинар-тренинглар ўтказди. Франция элчихонаси томонидан фран- цуз тилини ўқитиш методологияси бўйича таж- рибали мутахассис Анна-Мария Пуало раҳбар-

Нигорабону СУВОНОВА,
Самарқанд давлат чет тиллар
институту француз тили ва
адабиёти кафедраси мудри, доцент,
Нигина ПЎЛАТОВА,
кафедра ўқитувчиси.

муаммолар, уларнинг ечими бўйича амалга оширилаётган ишлар, янги ғоялар ҳақида фикр юритади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети док-

Журналнинг ушбу сонидан бошқа сиёсий партиялар фаолияти, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда ижтимоий капиталнинг роли, давлат бошқарувида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, инновацияларни ўзгаришлар шароитида илм-фанга эътибор каби долзарб мавзулардаги мақолалар ҳам ўқувчида катта қизиқиш уйғотди, деб уйлаймиз.

Үз мұхбиримиз

МАТОНАТЛИ ЁШЛАРИМИЗ ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАН ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

ПАРАЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗНИНГ ЖАКАРТАДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

INDONESIA 2018
ASIAN PARA GAMES

Индонезиянинг
Жакарта шаҳрида
ўтказилган III ёзги
Параосиё ўйинларида
спортчиларимиз 35
олтин, 24 кумуш ва 18
бронза медалини қўлга
киритиб, юртимизга ёруғ
юз билан қайтиб келди.



Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида спортчиларимизни вазирилик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ота-оналар ва мухлислар кутиб олди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида аҳолининг иқтисодий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, жисмоний

имконияти чекланган ёшларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, қизиқиши ва интилишига кўра касб-хунар эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида юртимиз паралимпиячилари жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Параосиё ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб келаётди.

III ёзги Параосиё ўйинларида қитъамизнинг 43 мамлакатидан 3 мингга яқин паралимпиячи 18 спорт тури бўйича ғолиблик учун беллашди. Ўзбекистон терма жамоаси тарихда ilk маротаба 54 нафар спортчи билан пауэрлифтинг, дзюдо, ўқ отиш, сузиш ва енгил атлетика бўйича бахсларда иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон паралимпиячиларининг мазкур нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўришида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпиада ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисидаги қарори муҳим дастуриламал бўлди. Қарорга кўра, спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, Параосиё ўйинларига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилди.

— Параосиё ўйинларига жиддий ҳозирлик кўргандик, — дейди енгил атлетика бўйича олтин медаль соҳиби Ҳусниддин Норбеков. — Натижа ҳам қўтилганидек бўлди. Ядро улоқтириш

бахсларида 10 йил давомида ўзгармай келган жаҳон рекордини янгиллаб, ғолибликни қўлга киритдим. Халқаро майдонларда эришадиган ютуқларимизда Президентимиз раҳбарлигида спортни ривожлантириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва иқтидорини намоён этишига қаратилаётган улкан эътибор муҳим омил бўлмоқда. Эндиги мақсадим, Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари III ёзги Параосиё ўйинлари давомида сузиш бахсларида 2 марта жаҳон рекорди, 12 марта қитъа ва 13 марта Параосиё ўйинлари рекордларини янгиллади. Шунингдек, ўзбекистонлик енгил атлетикачилар томонидан 1 марта жаҳон, 2 марта Осиё, 9 марта Параосиё ўйинлари рекордлари ўрнатилди.

Бу каби нуфузли спорт мусобақасида учинчи маротаба иштирок этган Ўзбекистон делегацияси аъзолари Ватанимиз шаъни янада улуғлаб, озода ва обод юртимизда Паралимпия ҳаракати жадал суратларда тараққий этиб бораётганлигини амалда яна бир бор исботлади.

— Мусобақа кескин курашларга бой бўлди, — дейди дзюдо бўйича 81 килограммгача вазн тоифасида Параосиё чемпиони Нурбек Мирзаев. — Рақибларим кучли енгил, олтин медалга сазовор бўлганимдан хурсандман. Орузим 2020 йилда Япониянинг Токио шаҳрида ўтадиган XVI Паралимпия ўйинларида ҳам юқори натижаларга эришишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдуҳақимов сўзга чиқди.

Жавоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎзА мухбири.

Параосиё ўйинлар ниҳоясига етди.
Ўсмирлар Олимпия ўйинлари давом этади.

BUENOS
AIRES
2018
YOUTH OLYMPIC GAMES

Буэнос-Айресда ўсмирлар Олимпия ўйинлари давом этмоқда. Кечаги кунги мусобақаларда спортчиларимиз эркин кураш, енгил атлетика, слаломда эшак эшиш ҳамда бокс бўйича иштирок этди.

ЎСМИРЛАРИМИЗНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАЛАРИ

Эркин кураш бахсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Умиджон Жалолов олтин медални қўлга киритди. Ушбу натижа орқали Ўзбекистоннинг ўсмирлар Олимпия ўйинларидаги рекорди янгиланди. Бунгача ўсмирларимиз Олимпиададаги энг яхши натижани 2014 йилги Нанкин Олимпиадасида (4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза) қайд этган эди. Умиджон Жалоловнинг олтин медалидан сўнг Ўзбекистон ҳисобидаги медаллар сони 12 тага етди. Ҳамюртларимиз айна пайтда 4 олтин, 4 кумуш ва 4 бронза медали билан тақдирланишди.

— Олтин медаль оламан, деъния қилгандим, — дейди аёллар кураши бўйича кумуш медаль совриндори Шохида Аҳмедова. — Қозғистон, Венесуэла, АҚШ, Беларусь вакилларини мағлубиятга учратдим. Финалда эса швециялик рақибга имкониятни бой бериб қўйдим. Бироз омад етишмади.

Шохида Аҳмедова ўсмирлар олимпиадасида Ўзбекистон тарихида аёллар кураши бўйича дастлабки медални қўлга киритди.

— Бу йил мен учун муваффақиятли келди, — дейди оғир атлетика бахсларида бронза медал соҳиби Долеера Давронова. — Осиё чемпионатида ғолиб бўлдим ва ўсмирлар Олимпиадасига йўлланмани қўлга киритдим. Бироз ҳаяжон бўлди. Мана шундай мусобақада совриндор бўлганимдан жуда хурсандман. Рақибларим кучли эди. Биринчи ўринни қўлга киритган таиландлик рақибим йил давомида умуман мусобақаларда иштирок этмади ва фақат Олимпия ўйинларига тайёрланди. Иккинчи ўринни қўлга киритган туркиялик спортчи 1 килограмм фарқ билан мағлуб бўлдим. Лекин бутун жамоамизни қайфияти аъло. Қўлга киритган натижамиз барчамизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Бугун мен аввало, Президентимизга, мураббийларим Маҳмуд Тоғаевга, шунингдек, Баҳром Мендибоевга миннатдорлик билдираман.



— Олимпия ўйинлари олдидан бир мақсадни қўйгандим — чемпион бўлиш, — дейди байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича яқкалик бахсларида олтин медаль соҳиби Гулбахор Файзиева. — Бешта баҳс кетма-кет бўлгани қийинчилик туғдирди. Қизлар ўртасидаги мусобақаларда одатда кўпи билан иккита пойга ўтказиларди. Биринчи чиқишдан сўнг 1,5 соат дам олдим. Кейинги старт олдидан 3 соат вақт бўлди. Ундан кейинги бахсларда танаффус бор-йўғи 30 дақиқани ташкил этди. Қўллаб-қувватлаган барчага раҳмат. Ўз мақсадимга етишга олдим. Бундан фахрланаман.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



АКАДЕМИК БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчилари сўнгги йилларда кимё фани бўйича Халқаро Менделеев ва жаҳон олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Лицей ўқувчилари жорий йил 52-Халқаро Менделеев олимпиадасида 1 кумуш, 3 бронза медалини, 50-Халқаро жаҳон олимпиадасида 2 бронза медалини қўлга киритди.

Яқинда мазкур лицейда академик Абдулла Аъзамов билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда академик ўқувчиларга болалиги, устозлари, математика фанига қандай қизиқиб қолгани ҳақида гапириб берди.

Шунингдек, буюк боболаримиз Навоий ва Бобур ижодини чуқур ўрганган Абдулла Аъзамов уларнинг асарларидаги ватанпарварлик, инсонийлик ғоялари ҳақида сўзлаб, нафақат кимё, биология, физика, математика фанларини, балки бадий китоблар ҳам ўқиш зарурлигини таъкидлади.

Тадбир сўнггида академик математика фани ва навоийшунослик бўйича лицей ўқувчиларининг билимини синовдан ўтказди.

Ўз мухбиримиз.



ТАДБИР

Коррупция — миллий хавфсизликка таҳдид

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Транспорт прокуратураси ҳамда Ички ишлар вазирилик ҳамкорлигида «Коррупция — миллий хавфсизликка таҳдид» мавзuida тадбир ўтказилди. Унда институтининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Тадбирда коррупция — бу жамиятнинг турли йўллар билан исканжага оладиган дахшатли иллат эканлиги таъкидланди. Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш умумдавлат миқёсида олиб борилаётгани, жумладан, республикамиздаги ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар таркибиде коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи алоҳида тузилма ва бўлимлар шакллантирилганлиги тўғрисида маълумот берилди.

— Коррупцияга қарши кураш нафақат мамлакатимиз балки

жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг катта муаммолардан бири ҳисобланади, — дейди Республика Транспорт прокуратури ёрдамчиси Алишер Мажинов. — Чунки коррупция жамиятнинг иқтисодий негизига болта урадиган, иқтисодиётни емирадиган ҳамда давлатнинг ривожланишига тўсиқ бўладиган энг оғир жиноят десак хато бўлмайди. Миллий қонунчилигимизда коррупцияга қарши кураш тўғрисида қонун қабул қилиниши, бу борадаги ишларни кучайтириш, Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига юқлатилган асосий вазифалардан бири ҳам жамиятнинг коррупциядан тозалашдир. Аммо коррупцияга қарши курашишда кенг жамоатчилик иштирок этсагина кўзланган мақсадга етиш мумкин.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Ноила МАРУПОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази сообшчаёт

8 ноябры 2018 года в 15.00 в городе Нукусе проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляются на продажу:

Автотранспортное средство, принадлежащее Региональному центру переподготовки и повышения квалификации работников Народного образования при Нукусском государственном педагогическом институте имени Акиниязи Республики Каракалпакстан:

— Автомашина марки «BA Vaz-11194CHT», 2009 года выпуска, гос. номер 95176HAA, начальная цена — 8 008 130 сумов.

31 октября 2018 года в 15.00 в городе Нукусе проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляются на продажу:

1. Автотранспортные средства, принадлежащие АО «Tahitash IES» Республики Каракалпакстан:

— Автомашина марки

«Ласетти», 2005 года выпуска, гос.номер 95/393 JAA. Начальная цена 49 647 213 сумов.

— Автомашина марки «Ласетти», 2010 года выпуска, гос.номер 95/737

EAA. Начальная цена 56 031 163 сумов.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается 30 октября и 7 ноября 2018 года в 16.00. Покупатель

вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с № 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон банк» Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: г. Нукус, ул. Амира Темура дом № 122а, Телефон для справок: (0-361) 222-55-84

Удостоверение № 006388-11

«NEW LIFE INSURANCE» sug'urta kompaniyasi mas'uliyati cheklangan jamiyati

Ўзбекистон Республикаси «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддаси талабларига мувофиқ жойлашган жойи

ва почта манзили: 100060 Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темура шоҳ кўчаси 47-уйга ўзгарганлигини маълум қилади.

Маълумот учун телефонлар: (+99895)475-99-77, (+99895)475-99-88.

Хизматлар лицензияланган.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1038. 6504 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22:50.
Topshirilgan vaqti — 02:25.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7639



Gazetaning elektron sahifasiga utish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5